O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2005 йил 2 апрель, № 64 (3609) Шанба

Ислоҳот одимлари

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида қайд этганидек, ўтган йили мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш 7,7 фоиз, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш 10,1 фоиз ўсди. Бошоқли дон экинларидан қарийб 5 миллион тонна, пахтадан эса 3,5 миллион тонналик хирмон уйилди.

Бу юксалишда фермер хўжаликларининг улуши катта бўлди. Йиғиштириб олинган пахта ва ғалла ҳосилининг қарийб тенг ярми фермерларимиз томонидан етказиб берилди.

ФЕРМЕР БОЙИСА, ЮРТ ОБОД БЎЛАДИ

Кейинги йиллар тажрибаси фермер хўжаликлари ширкатларга нисбатан анча юқори рентабелликка эришаётгани, зарар кўриш эҳтимоли эса ниҳоятда пастлигини исботлади. Айни вақтда фермер хўжаликларининг эркин фаолият кўрсатиши учун барча зарур шароит яратиб берилаётир. Энг муҳими, моддий ресурслар ва техника таъминотини амалга оширадиган инфратузилма объектлари — минерал ўғит, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари сотиш шохобчалари, ахборот-консалтинг хизмат кўрсатиш марказлари тобора кўпаймоқда.

Бу борада Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Республика деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси ҳамда бошқа алоқадор идоралар иштирокида фермер хўжаликларини бозор иқтисодиёти тамойиллари асосида иш юритишга ўргатиш, малакасини ошириш, илғор техника ва технологияларни жорий этиш юзасидан хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан кенг ҳамкорликни йўлга қўйишга қаратилган ишлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 15 февралдаги "Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки иштирокида "Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш" лойиҳасини амалга оширишга доир амалий чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида умумий қиймати 43,46 миллион АҚШ долларидан иборат лойиҳа Элликқалъа, Нишон, Марҳамат, Шеробод ва Оҳангарон туманларида татбиқ этилаётгани шулар жумласидандир.

Қишлоқ бизнеси учун маслаҳат хизмати кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини молиявий қўллаб-қувватлаш, ирригация ва дренаж тармоқларини яхшилаш, агросервис корхоналарини молиялаштириш лойиҳанинг асосий йўналишлари сирасига киради. Уни амалга ошириш Республика деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси ҳузуридаги Қишлоқ бизнеси учун маслаҳат хизмати унитар корхонаси зиммасида.

Мазкур корхона ижрочи директори Бахтиёр Шерматовнинг маълум қилишича, номлари зикр этилган туманларда маслаҳат марказлари ташкил этилган. Улар деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш, бозор иқтисодиёти шароитига мос инфратузилмаларини яратишга амалий ёрдам бериб, маслаҳат хизмати кўрсатмоқда.

Айни вақтда деҳқон ва фермер хўжаликларини зарур ахборот ва маълумотлар билан таъминлаш, ҳуқуқий, молиявий, тижорат каби масалалар бўйича амалий ёрдам кўрсатиш, долзарб мавзуларда семинар-тренинглар ўтказиш орқали қишлоқ мулкдорларининг малакасини оширишга ҳам алоҳида эътибор берилаётир.

Туманлардаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга, қайта ишловчи корхоналарга ва хизмат кўрсатувчи бошқа ташкилотларга маҳаллий тижорат банклари орқали мақсадли ва имтиёзли кредитлар берилмоқда. Ҳозирга қадар техника, эҳтиёт қисмлар, асбоб-ускуналар харид қилиш, иссиқхоналар қуриш каби эҳтиёжлар учун 3 миллион АҚШ долларидан кўпроқ маблағ ажратилди.

Ирригация ва дренаж тармоқларини тиклаш ишларига ҳам каттага маблағ йўналтирилаётир. Ҳозиргача 15 километрга яқин хўжаликлараро ирригация тармоқларида таъмирлаш ишлари бажарилди. Янги зовур тармоқлари тортилди, ўнга яқин мелиоратив қурилмалар ўрнатилди. Лойиҳа умумий қийматининг ўн миллион АҚШ долларидан кўпроғи ўзлаштирилди.

Киритилаётган инвестиция самараси ҳозирданоқ сезила бошлади. Масалан, лойиҳа амалга оширилаётган туманларда 2001-2004 йилларда пахта хомашёси етиштириш 124,6 фоиз, ғалла ҳосилдорлиги эса — 115,9 фоизни ташкил этди.

Бу ўз навбатида қишлоқ хўжалиги корхоналари ва фермерларнинг яхши даромад олишини таъминламоқда. Хусусан, ўтган йил ҳосилидан шартномадан ортиқча қирқ минг тоннага яқин пахта толаси етиштирилди. Ушбу қимматбаҳо саноат хомашёси Республика мол-хомашё биржаси орқали босқичма-босқич сотилмоқда. Февраль ойида ўтказилган кимошди савдосида Элликқалъа туманидаги Г.Одилов номидаги хўжаликнинг эллик тонна пахта толаси ҳар тоннаси ўртача 1359,5 минг сўмдан сотилди. Бу — улгуржи нархдан қарийб уч юз минг сўм кўп демакдир.

Тармоққа хорижий инвестицияларни янада кўпроқ жалб этиш деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш, маҳсулот етиштиришни кўпайтириш, халқимиз фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилади. Зеро, деҳқон бойиса, юрт обод бўлади, деган нақл бежиз айтилмаган.

Олим НОРБЕКОВ,
ЎзА мухбири.

Хайрли тадбир

Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармасининг Гулистон тумани бўлими ҳар кўклам хайрли ташаббуслар билан чиқади. Бу йил улар тумандаги А. Носиров номли хўжаликка қарашли «Сирожиддин ота» фермер хўжалиги ҳудудида мўъжаз мевали боғ барпо этишди. Намангандан олиб келинган 1300 туп сархил ниҳоллар бугунги кунда барг чиқариб улгурди.

— Мирзачўлда пахта яккаҳокимлиги даврида боғдорчилик мутлақо эътибордан четда қолиб кетган эди, — дейди Сирожиддин ота Убайдуллаев. — Бугунги кунда эса туманимизда бу ишга алоҳида эътибор берилмоқда. Қорақул Сариқуловнинг 2 гектар боғ яратиш учун ёзган аризаси туман ҳокимлиги томонидан қаноатлантирилди. «Муқим ота» фермер хўжалиги аъзолари ҳам бу йил 5 гектар ерга яхши ният билан кўчат ўтқаздилар.

А. ХОНИМҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҲИНДИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Манмохан Сингхнинг таклифига биноан 2005 йил 4 — 6 апрель кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлади.

Ташриф асносида ўтадиган музокараларда икки давлат раҳбарлари ўзаро муносабатларни янада ривожлантиришга, савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришга, таълим ва маданият соҳаларидаги алоқаларга доир масалаларни, шунингдек, томонларни қизиқтирган халқаро ва минтақавий долзарб муаммоларни муҳокама қиладилар.

Музокаралар якунида қатор икки томонлама битимлар имзоланиши мўлжалланмоқда.

Ўзбекистон — Ҳиндистон:

ЎЗАРО ҲУРМАТ, СЕРҚИРРА ҲАМКОРЛИК

4 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Ҳиндистон Республикасига давлат ташрифи бошланади.

Шу ўринда эслаш жоизки, Ҳиндистон Ислом Каримов мустақил давлат раҳбари сифатида 1991 йил август ойида расмий ташриф буюрган биринчи давлатдир. Айнан ўша пайтда сиёсат, иқтисодиёт, фан, техника, таълим ва маданият соҳаларида икки томонлама ҳамкорликка асос солинганди. Ўзбекистон Президентининг ўн тўрт йил давомида мазкур мамлакатга қилаётган тўртинчи сафари икки давлатнинг турли соҳалардаги самарадор ва тобора чуқурлашиб бораётган муносабатларига салмоқли туртки беради.

Масалан, Ҳиндистон билан товар айирбошлаш ҳажми ўтган йили 150 миллион АҚШ долларидан ошди, бу 2003 йил кўрсаткичларидан қарийб 40 фоиз кўп демакдир. Шуниси эътиборга лойиқки, сўнгги йилларда Ўзбекистон экспорти таркибида хомашё ва ярим фабрикатлар эмас, балки етакчи саноат тармоқларининг юқори технологик маҳсулотлари — самолётлар, электрожиҳозлар, рангли металлар ва улардан тайёрланган буюмлар кўпайиб бормоқда.

Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида Ҳиндистоннинг бешта йирик фармацевтика компаниялари ваколатхоналари рўйхатга олинган. Ҳинд ишбилармонлари нафақат савдо-сотиқ билан шуғулланишаяпти, балки ўзбек иқтисодиётига фаол тарзда сармоялар киритмоқда. Ҳозир республикада ҳинд сармоядорлари иштирокида 25 та корхона фаолият кўрсатаяпти, уларнинг ўнтаси тўлалигича хориж капитали асосида ташкил этилган. Мазкур корхоналар фаолият кўлами халқ истеъмоли моллари ва доривор препаратлар ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, қурилиш, туризм каби турли соҳаларни қамраб олган.

1993 йилдан буён 800 дан ортиқ ўзбекистонлик мутахассис Ҳиндистонда ахборот технологиялари, банк иши, кичик бизнес каби

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида

Парламент қуйи палатаси Европа Иттифоқининг ЕвропЭйд дастури доирасидаги "Ўзбекистонда демократик ислоҳотларни янада ривожлантириш" лойиҳаси билан ҳамкорликда "Икки палатали парламент: халқаро тажриба ва истиқбол" мавзусида халқаро конференция ташкил этди.

Икки палатали парламент:

ХАЛҚАРО ТАЖРИБА ВА ИСТИҚБОЛ

Унда Қонунчилик палатаси депутатлари, сенаторлар, халқаро экспертлар, мамлакатимиздаги сиёсий партиялар раҳбарлари ҳамда жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Конференция Ўзбекистонда янги парламент фаолияти билан боғлиқ долзарб масалалар муҳокамасига бағишланди. Уни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Спикери ўринбосари М. Сафаева олиб борди.

Анжуманда Бельгиянинг Вакиллар палатаси бош котиби Р.Меттенер, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси доценти М. Қирғизбоев, халқаро эксперт П. Каркацулис (Греция) ҳамда Тошкент давлат юридик институти қошидаги инсон ҳуқуқлари ва гуманитар ҳуқуқни ўрганиш маркази раҳбари О. Муҳаммаджонов демократик жамиятда парламентнинг роли тўғрисида маъруза қилдилар. Шунингдек, сиёсатшунос М. Ельшовнинг янги шароитда сиёсий партиялар фракцияларининг фаолиятига доир маърузаси иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Танаффусдан сўнг, конференция иштирокчилари мавзу доирасида ўз ишларини гуруҳларда давом эттиришди. Биринчи гуруҳда ЎзЛиДеП, ЎзХДП, "Фидокорлар", "Миллий тикланиш", "Адолат" СДП сиёсий партиялар фракциялари вакиллари қонунчилик жараёнининг долзарб масалаларини муҳокама қилишди. Иккинчи гуруҳда эса депутатлар нодавлат-нотижорат ташкилотлари вакиллари билан қонун ижодкорлигида фуқаролик жамияти институтларининг иштироки бўйича баҳс-мунозара юритишди.

Гуруҳ йиғилишларида парламентаризмнинг янги тамойиллари таҳлил этилди. Қонунчилик жараёнини такомиллаштириш ва унда фуқаролик жамияти институтларининг иштироки юзасидан амалий тавсиялар берилди.

Зиёда АШУРОВА.

Қўкармаган кўчатлар, ушалмаган умидлар

"Умрингизда бирор туп дарахт экканмисиз?" Телебошловчининг бу саволига дабдурустдан жавоб беришда одамлар шошиб қолишди. Ахир, кўчат экиш шунчаки бир ниҳолни ерга қадаб қўйиш дегани эмас-да. Ризқ-рўзимиз манбаи бўлган ерга кўчат ўтқазган одам унинг атрофини меҳр билан юмшатиши, озиқлантириши, суғориши керак, хуллас, парваришни тўлиқ амалга оширгандагина дарахт эккан ҳисобланади. Кўп ҳолларда кўтаринки кайфиятда жамоа жам бўлиб кўчат ўтқазилаётган манзара бизга таниш. Айтайлик, мутасаддиларнинг маълумотларига кўра, бир мавсумда республикамиз ҳудудида ўртача 70 миллион дона мевали ва манзарали кўчат ўтқазилади. Ўн йилда бу рақам 700 миллионга айланиши керак. Эҳ-ҳе, шундай бўлганда, юртимиз боғ ва ўрмонларга бурканиб кетмасмиди?

Мана, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги мутахассисларидан экилган ва кўкарган кўчатлар ҳақида сўраганимизда шундай деб жавоб беришди: "Бизда қанча кўчат экилгани тўғрисида маълумот бор, лекин тутиб кетган дарахтларни ҳисобга олмаймиз". Нега? Ахир, ҳар ишда пировард натижа асосий кўрсаткич эмасми? Қачон бошланган ишни охирига етказишни одат қиламиз? Шу ҳақда мулоҳаза юритганимизда кимдир "Одамларимиз юқоридан буйруқ асосида ишлашга ўрганиб қолишган" деган фикрни билдирди. Шундай бўлса, Вазирлар Маҳкамаси 1994 йил 8 февралда аниқ вазифалар кўрсатилган "Саноат теракчилигини ривожлантириш ва бошқа тез ўсувчи ёғочбоп дарахтзорларни барпо этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида" қарор қабул қилганди-ку? Очиғи, ушанда фақат халқ ғамини еб имзоланган ҳужжатдан кўпчилик ҳурсанд бўлганди. Ўша даврдаги Давлат ўрмон қўмитаси республика бўйича катта тадбир ҳам ўтказганди. Унда ушбу қарорнинг аҳамияти барча вилоятлардан келган мутасаддилар онгига сингдирилганди. Хўш, оқибат нима бўлди? Бу саъй-ҳаракат нари борса, уч йилга етди. Қорақалпоғистон кенгликларида, Андижон, Наманган ва Самарқанд ҳудудларида янгидан яратилган теракзорлар кўзни қувонтирганди. Одамлар «Қилса бўлар экан-ку», дейишди. Кейин эса... Ижрочилар бурчини унутишди, улардан талаб қиладиган раҳбар бўлмади.

Қарор ва ижро

Ҳалқ хўжалиги ва аҳолининг ёғоч-тахтага бўлган эҳтиёжини янада тўлароқ қондириш, республикамизнинг табиий-иқтисодий имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш мақсадида қабул қилинган ҳукумат қарори ўн йил муддатга мўлжалланган бўлиб, унда юртимизда 90 минг гектар майдонда терак плантациялари барпо этишни кўзда тутилди. Бу рақам ҳар бир вилоят кесмасида аниқ белгилаб берилди. Лекин хўжаликлар, корхоналар раҳбарлари ва туманлар ҳокимларининг мазкур вазифага эътиборсизлиги, совуққонлиги туфайли кўзда тутилган майдонга кўчат ўтқазилмади. Мисолларга мурожаат қилайлик. Ўтган даврда ана шу вазифа Бухоро, Наманган, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида 30 фоиз атрофида адо этилган бўлса, бошқа ҳудудларда 40-50 фоизни ташкил этди. Республикамиз бўйича эса у 40 фоизга тенг бўлди, холос. Яъни, 35 минг 851 гектар майдонда теракзор барпо этилди.

Жорий йилда ҳам ўлкамизда баҳор кириши билан халқимизнинг азалий одатига кўра, барча ҳудудларда кўчат экиш ишлари бошланиб кетди. Бу юмуш республикамизнинг жанубий вилояти — Сурхондарёда давом этаётганига эса бир ойдан ошди. Маълумки, юртимиз қадимдан ўзининг мазали, сервитамин мевалари ва иморатбоп дарахтлари билан бошқа минтақалардан ажралиб турган.

(Давоми 2-бетда).

Маҳалланинг даргоҳи кенг

Урганч шаҳрида «Жамият муаммоларини ечишда Хоразм вилоят маҳалла қўмиталари фаолияти самарадорлигини ошириш» мавзусида республика конференцияси бўлиб ўтди.

Конференцияни ўтказишдан мақсад маҳалла қўмиталарининг жамият муаммоларини ечишдаги имкониятларини оширишдир. Тадбир қатнашчилари маҳаллалар ўзини-ўзи бошқариш институти сифатида дуч келинаётган тўсиқ ва муаммоларни ўрганиш, таҳлил қилиш, ечимини топиш учун тавсиялар ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидладилар. Иштирокчилар мамлакатимизда биринчи марта ташкил этилган, Самарқанд шаҳрида самарали фаолият юритаётган «Маҳалла қўмиталари уюшмаси» тажрибаси билан ҳам танишдилар. Шу мавзуга оид маърузаларни тингладилар.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Долзарб мавзу

Маҳаллийлаштириш дастурининг маъно-мазмуни, мақсади нималардан иборат? Номидан ҳам маълумки, унинг асосий мақсади республикамизда мавжуд корхоналарни технология жиҳатидан янгилаш ва замонавийлаштириш, маҳаллий хомашёдан жаҳон стандартларига жавоб берувчи, ички ва ташқи бозорларда рақобатга бардошли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш, шунинг ҳисобига бундай маҳсулотлар импортини қисқартириб, давлатнинг валюта сарф-харажатларини мақбуллаштириш ва янги иш ўринларини яратишдир. Бу борада, айниқса, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 14 январдаги «2004-2005 йиллар даврида маҳаллий хомашё негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 18-қарори муҳим аҳамият касб этди.

Маҳаллийлаштириш дастури:

ИЖРО ВА ИМКОНИЯТ

Ушбу қарорга кўра, маҳаллийлаштириш дастурига киритилган лойиҳалар учта асосий гуруҳга бўлинди: саноат маҳсулотларининг асосий турлари учун бутловчи буюмлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш; тайёр маҳсулотларнинг янги турларини, уларга қисмлар ва бутловчи буюмлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш; хомашё, компонентлар ва саноат материаллари ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш.

Шу билан бирга, дастурнинг ана шу лойиҳаларида қатнашувчи корхоналарга 2004 йил 1 январдан бошлаб беш йил муддатга бир қатор имтиёзлар берилди. Даромад (фоиз) солиғи, ягона солиқ (солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартибини қўллаётган субъектлар учун) ва маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар тайёрлаш учун фойдаланилган асосий ишлаб чиқариш фондлари бўйича мулк солиғи тўлашдан озод қилингани шулар сирасига киради.

Айни чоғда, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 апрелдаги 190-қарорига мувофиқ, маҳаллий хомашё негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини рўёбга чиқараётган корхоналарнинг раҳбарлари, муҳандис-техник ходимларини солиқлар тўловларидан бўшайдиган маблағларнинг 15 фоизигача миқдорида бир марта мукофотлаш белгилаб қўйилди. Бунда рағбатлантириш тўловлари дастурнинг маҳаллийлаштириш даражаси, ишга туширилаётган қувватлар ва ишлаб чиқариш ҳажмлари бўйича корхона учун белгиланган параметрларнинг бажарилишига қараб амалга оширилади.

Хўш, номи юқорида қайд қилинган ҳукумат қарорининг талаблари қандай бажарилмоқда?

Ўтган йили маҳаллийлаштириш дастури бўйича 112 та корхонада 143 та лойиҳа асосида қарийб 500 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Унинг 60 фоиздан кўпроғи «Ўзавтосаноат» уюшмаси, 8 фоиздан ортиғи «Ёғмойтамакисаноат» компанияси ва 7 фоиздан зиёдроғи Тошкент шаҳри корхоналари ҳиссасига тўғри келди. 200 миллиард сўмлик маҳсулот экспортга чиқарилиб, ишлаб чиқаришда салкам 3 мингта янги иш ўрни ташкил этилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бугунги кунда маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар асосан машинасозлик, енгил саноат, кимё саноати ва бошқа соҳалар корхоналарида ишлаб чиқарилмоқда. Хусусан, «Огнеупор» очиқ турдаги акциядорлик жамиятида солиққа тортишдан бўшаган 61,5 миллион сўм маблағ ҳисобига янги автоматлаштирилган линиялар ўрнатилган эди. Унинг бир қисми ишга туширилиши ишлаб чиқариш қувватларининг 20 фоиз ортишига, оловга бардошли буюмлар тайёрлаш ҳажмининг ошиши ва сифатининг яхшиланишига имконият яратди. «ALUBONA Poison Building Technology» корхонасида эса Ўзбекистонда биринчи бор замонавий алюминли композит панеллар ишлаб чиқариш бошланди. Жорий йилда бу ерда 400 минг квадрат метр шундай маҳсулот тайёрлаш мўлжалланмоқда.

Бундан ташқари, «Андижон механика заводи» очиқ турдаги акциядорлик жамиятида нефть маҳсулотлари ташувчи темир йўл цистерналари, «Осиё компрессор фильтр» масъулияти чекланган жамиятида фильтр элементлари, «Реле ва автоматика» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида «ТТЗ» тракторлари электр тизими учун таслалар, «Намангантекстил» очиқ турдаги акциядорлик жамиятида кўйлакбоп матолар, «Сино» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида кондиционер ва музлатгичлар, «Poison electronics» қўшма корхонасида эса маиший техника маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Маҳаллийлаштириш дастури келгусида иқтисодиётга қай даражада наф келтиради? Маълумотларга қараганда, Вазирлар Маҳкамаси Ташқи алоқалар масалалари ахборот-таҳлил департаментига маҳаллийлаштириш дастурига киритиш учун 300 дан ортиқ лойиҳа келиб тушган. Ҳозирги кунда улар ваколатли органлар томонидан кўриб чиқилмоқда. Дастурга янги лойиҳаларни киритиш ва мавжуд лойиҳалар кўрсаткичларини ўзгартиришда эса қуйидаги умумий мезонларга эътибор қаратилмоқда: маҳаллийлаштириш дастури мақсади ва вазифаларига мувофиқлиги; лойиҳанинг амалга оширилиши имкониятлари; бозорда ишлаб чиқариладиган маҳсулотга бўлган талаб; таклиф этилаётган маҳаллийлаштириш даражасига эришиш имкониятлари; ишлаб чиқаришнинг республика миқёсида иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятга моликлиги; маркетинг концепцияси; маҳсулотни сотиш ва экспорт қилиш истиқболлари; технология даражаси ва импорт қилинадиган асбоб-ускуналар, хомашё, материаллар ҳамда хизматлар нархлари; лойиҳанинг иқтисодий асосланганлиги; таваккалчилик ва кредитнинг қайтарилиши.

Маҳаллийлаштириш дастури лойиҳаларнинг кўпайиши ва уларни амалга оширувчи корхоналар сонининг ортиши, табиийки, истиқболда иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизациялаш ва технологик жиҳатдан янгилаш, рақобатга бардошли маҳсулот тайёрлашга йўналтирилган энг замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш, янги иш ўринларини яратиш имконини беради. Иқтисодий соҳада олиб борилаётган сиёсатимизнинг энг муҳим йўналиши ҳам шудир.

Икром ЎТБОСАРОВ.

ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Фармойишига мувофиқ, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ҳамда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш мақсадида шу йилнинг 1 апрелидан мамлакатимизда "Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги" бошланди.

Мазкур ойлик давомида комплекс чора-тадбирлар ўтказилиши мўлжалланган. Транспорт воситалари ва пиёдалар, айниқса, болалар ҳаракати серқатнов йўллар ва чорраҳаларни кўрикдан ўтказиш, аниқланган камчиликлар юзасидан таклифлар тайёрлаш, транспорт воситаларининг техникавий тайёргарлигини яхшилаш борасидаги ишлар шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси катта инспектори, подполковник Мансуржон Рихсиевнинг маълум қилишича, жорий йилнинг ўтган уч ойи давомида амалга оширилган ишлар таҳлили мамлакатимизда йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ва камайтириш, шунингдек, гиёҳванд моддалар ноқонуний айланишига қарши кураш самарали давом этаётганини кўрсатди.

Бироқ, кўрилаётган чора-тадбирларга қарамай, мамлакатимиз ҳудудида содир этилаётган йўл-транспорт ҳодисалари сезиларли даражада камайгани йўқ.

Рақамларга мурожаат қилсак, йил бошидан буён республика бўйича жами 2 минг 200 га яқин йўл-транспорт ҳодисаси юз берган. Оқибатда 380 киши ҳаётдан кўз юмиб, 2 минг 300 киши эса турли даражадаги тан жароҳати олган. Бахтсиз ҳодисаларнинг аксарияти пиёдалар айби билан содир бўлаётгани, айниқса, ташвишланарлидир.

Шу боис мазкур ойлик давомида ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда айнан ана шундай муаммо ва камчиликларга алоҳида эътибор қаратилади.

Вазирлар Маҳкамаси Фармойишида таъкидланганидек, тадбир давомида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда ойликни ташкил этиш ва ўтказиш комиссиялари фаолият кўрсатади. Жойларда ойликни самарали ўтказиш юзасидан тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Уларда тегишли идораларнинг вазифалари белгилаб берилган. Ҳар ўн кунда тадбир қандай ўтаётгани муҳокама этилиб, мутасаддиларнинг ҳисоботи тинглаб борилади.

Тадбир доирасида аҳоли, айниқса, ёшларга йўл ҳаракати қоидаларини янада пухтароқ ўргатишга катта эътибор берилиши бежиз эмас. Гарчи ноҳуш йўл-транспорт ҳодисаларининг болалар иштирокида рўй бериш ҳоллари бирмунча кам бўлса-да, учраб турибди. Бу эса, вояга етмаганлар орасида тушунтириш ишларини янада яхшилаш кераклигидан далолатдир. Шу боис ички ишлар идоралари вакиллари маҳаллий ҳокимликлар ҳузуридаги йўл ҳаракати хавфсизлиги комиссиялари аъзолари билан ҳамкорликда ойликнинг моҳияти ҳақида идора ва ташкилотлар, мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида, маҳаллаларда кенг кўламда тушунтириш ишлари олиб боради, суҳбатлар ўтказади.

Айни пайтда аҳоли зич яшайдиган жойларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга оид кўргазмали паннолар, реклама материаллари ўрнатилмоқда. Барча транспорт воситаларининг техник аҳволи текширилиб, жамоатчилик иштирокида тузилган гуруҳлар йўлларда мунтазам назоратни кучайтиради, рейдлар ўтказади. Йўл ҳаракати қоидабузарлиги бўйича тузилган айрим маъмурий ҳужжатлар маҳаллаларда ва меҳнат жамоаларида муҳокама этилади.

Беҳзод НОРБОЕВ,
ЎзА мухбири.

Хабарлар оқимидан

Президентимизнинг "Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида"ги қарори асосида ёшларни армияга чақиришга тайёргарлик ишлари қизғин олиб борилмоқда.

Чақирув муваффақиятли ўтади

Қуролли Кучлар Марказий офицерлар саройида бўлиб ўтган матбуот анжуманида асосий эътибор ушбу тадбирни уюшқоқлик билан ўтказиш, ҳарбий хизматга ҳар томонлама етук, ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан камол топган ёшларни чақиришга қаратилгани таъкидланди.

— Ҳукуматимиз томонидан ўз конституциявий бурчини аъло даражада ўтаган йигитларимизга бир қанча имтиёзлар белгиланган, — дейди Мудофаа вазирлиги матбуот котибияти бошлиғи полковник Раҳимжон Нурназаров. — Хусусан, хизмати орқали тенгдошларига намуна кўрсатганларга олий ўқув юртларига кириш учун тавсияномалар берилмоқда. Ушбу тавсияномага сазовор бўлган йигитларимизнинг 60 фоизи ўтган йили олий ўқув юртлари талабалари бўлишди. Резервга бўшатилганларнинг 70 фоизи иш билан таъминланди. Бир сўз билан айтганда, миллий армиямиз Ватанга фидойи мардларни тарбиялашда муҳим роль ўйнайди.

Зиёдулло ЖОНИБЕКОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Фестиваль яқин

Бухоро Давлат қўғирчоқ театри жамоаси Республика қўғирчоқ театрлари фестивалига тайёргарлик кўрмоқда, деб хабар беради «Туркистон-пресс» мухбири А. ҚУДРАТОВ.

— Фестивалда Галина Аббосова муаллифлигидаги «Юлдузлар чақнаганда» спектаклини намойиш этамиз, — деди театр раҳбари Йўлдош Ғенжуев. — Айни пайтда мусиқани уйғунлаштириш ишлари якунига етди. Театримиз Польша, Белорусь, Украина ва Россия давлатларида ўтказилган халқаро фестивалларнинг лауреати бўлган.

Ўзбекистон — Ҳиндистон:

ЎЗАРО ҲУРМАТ, СЕРҚИРРА ҲАМКОРЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда).

йўналишлар бўйича таълим олиб қайтишди. Икки томонлама ҳамкорликнинг таълим соҳасига тааллуқли қисми табора ривож топиб бормоқда.

Иқтисодий ҳамкорликдаги муваффақиятларга фаол сиёсий мулоқот, турли даражадаги расмий ва ишбилармонлар ҳайъатлари билан доимий алмашинувнинг йўлга қўйилгани сабаб бўлмоқда. Икки томонлама ҳамкорликнинг 45 та давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро ҳужжатлардан ташкил топган шартнома-ҳуқуқий асоси яратилган. Кутилаётган сафар якунида унинг салмоғи янада ошади.

Гуманитар соҳадаги фаол муносабатларга халқларимизнинг узоқ тарихга бориб тақаладиган маданий алоқалари ижобий таъсир ўтказмоқда. Ўн биринчи асрдаёқ Ҳиндистонга сафар қилган Абу Райҳон Беруний ўз асарларидан бирини ушбу мамлакатга бағишлаган эди. Заҳириддин Муҳаммад Бобур XVI асрда шимолий Ҳиндистонда қудратли давлатга асос солди ва унинг авлодлари уч юз йил давомида ҳукмронлик қилишди. Бобур тарихда нафақат буюк давлат арбоби, балки иқтидорли шоир ва аллома сифатида ҳам ном қолдирди. Ҳиндистонлик олимлар мамлакатнинг Амир Хусрав Деҳлавий, Мирзо Абдулқодир Бедил, Мирзо Асадулла Голиб каби буюк шоирларининг аждодлари бизнинг ўлкамидан бўлганини эътироф этишади. Бугун мамлакатлар ўртасидаги маданий алмашинув қайта тикланиб, унинг янги қирралари очилаяпти.

Ўзбекистон ва Ҳиндистон ҳамкорлиги кенг қамровли масалалар, жумладан, минтақавий хавфсизликни таъминлаш, халқаро терроризмга қарши кураш муаммоларини ҳам ўз ичига олган.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон раҳбарининг Ҳиндистонга сафари воқеаларга бой бўлиши кутилаяпти. Давлатларимиз куч сарфлаётган умумий мақсадлар серқирра ҳамда икки томоннинг ўзаро манфаатли ҳамкорликни чуқурлаштириш ва ривожлантиришдаги қатъияти ҳам етарлидир.

Олег ШАТУНОВСКИЙ,
"Жаҳон" АА шарҳловчиси.

Аввало, атрофингдагилар ишончини оқлаш нечоғли масъулият талаб қилса, билдирилган ишончни оқлашнинг масъулияти икки ҳисса кўп бўлади. Буни Олий Мажлис Сенати аъзоси Султонбой Жўраев ўз фаолиятида ҳис қилмоқда. У бош бўлган "Ишонч" фермер хўжалиги ўтган йили чўл мавзесидаги 70 гектардаги пахтадан 30 центнердан, 33 гектардаги ғалладан 60 центнердан ҳосил олди.

— Чўл шароитида ишлаган одам учун техника чин маънода деҳқон қаноти ҳисобланади, — дейди Султонбой Жўраев. — Шу боис ҳам мавжуд техникаларимизни мавсумга тахт қилиб қўйдик.

СУРАТДА: Султонбой Жўраев механизатор Акрамжон Жўрабоев билан.
Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Газетада босилмади, аммо...

Газ таъминоти яхшиланади

Таҳририятимизга Жарқўрғон тумани «Сурхон» қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи Н. Самадов мурожаат қилиб, табиий газ таъминоти тақчиллигидан нолиганди.

Ушбу шикоят юзасидан Жарқўрғон тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари А. Нормўминов имзоси билан расмий жавоб олдик. Унда таъкидланишича, ҳақиқатан ҳам истеъмолчиларнинг қарздорлиги ва ҳисоблагичлар ўрнатилиши талаб даражасида эмаслиги боис газ узатилиши вақти-вақти билан тўхтатиб қўйилган.

Эндиликда эса «Жарқўрғонгазтаъминот» корхонаси томонидан тўловларнинг ўз вақтида ундирилиши йўлга қўйилган, Меҳнатобод маҳалласи табиий газ билан тўлиқ таъминланган.

Кўкармаган кўчатлар, ушламаган умидлар

(Давоми. Боши 1-бетда).

Лекин, афсуски, собиқ иттифоқ даврида мамлакатимизнинг табиий-иқтисодий имкониятлари ҳисобга олинмаслиги оқибатида ёғоч-тахта учун фойдаланиладиган маҳаллий шароитга мос дарахтларни экиш эътибордан четда қолди. Сабаби — қанча ёғоч-тахта зарур бўлса, Россиядан олиб келиш тавсия қилинарди. Бундай иш юритиш, табиийки, қурилиш ашёларига юртимизни қарам қилиб қўйган эди.

Мутахассисларнинг фикрича, собиқ иттифоқ даврида республикамизга четдан ҳар йили 5 миллион куб метргача ёғоч-тахта келтирилган. Айни пайтда эса бу кўрсаткич 500-600 минг куб метрни ташкил этмоқда. Россиядан олиб келиб сотилаётган 1 метр куб тахта 120-180 минг сўм атрофида харид қилинмоқда. Демак, қанчадан-қанча маблағ ҳар йили мамлакатимиздан ташқарига чиқиб кетяпти.

Табиатда мўъжизалар кўп. Масалан, тоғ ва тошлоқ жойда ҳам арча дарахти ўсаверади, шунингдек, саҳронинг 60-70 даража иссиқлигида ҳам саксовул кўкараверади. Юртимиз иқлими, об-ҳавоси шундай қулайки, бу ерда битмайдиган гиёҳ ва ниҳолнинг ўзи йўқ десак муболоға бўлмайди. Биласиз, терак тез ўсувчан ва кўп меҳнат талаб қилмайдиган дарахт. Дунёда унинг 146 хил тури мавжуд бўлиб, 40 дан ортиқ нави республикамизда экилади. Россиядаги ёғочбоп қарағай, қайин ва бошқа дарахтлар секин ўсиб, 60-70 йилда фойдаланиш учун тайёр бўлса, биздаги тераклар 12-15 йилда етилади. Лекин унинг мустаҳкамлиги четникидан асло қолишмайди. Шу билан бирга, юқори навли қоғозлар ҳам теракдан олинади.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Ўрмончилик бош бошқармаси мутахассислари маълумотларига кўра, бир туп терак дарахтини экиб, у фойдаланиш учун тайёр ҳолга етгунга қадар 7-8 минг сўм сарфланади, холос. Шундай экан, бизнинг шароитимизда терак ўстириш ниҳоятда қулай ва иқтисодий жиҳатдан самаралидир. Ҳукуматимиз қарорининг муҳим жиҳатларидан яна бири шундаки, ўтган даврда одамлар ўз эҳтиёжларидан келиб чиқиб, томорқаларида терак экишни йўлга қўйдилар. Ҳозир кўплаб оилалар уларни ўз эҳтиёжлари учун ишлатиш билан бирга, қолганини сотиб, катта миқдорда фойда ҳам кўришмоқда. Тахминий ҳисоб-китобларга кўра, ҳар йили аҳоли томонидан камида 100 минг куб метр ёғоч-тахта тайёрланмоқда. Айниқса, пойтахтимизда ва вилоятлардаги шаҳарларда маҳаллий ёғоч-тахта сотиладиган бозорлар вужудга келгани қувонарлидир. Уларда бир куб метр тахтани 60-70 минг сўмга харид қилиш мумкин.

Халқимизда "Экилгани эмас, кўкаргани ҳисоб" деган нақл бор. Бунга жойларда қандай амал қилинаяпти? Биз шу мақсадда Пскент туманида бўлдик. Ҳукумат қарорига мувофиқ, 1994 йил 1 мартда Тошкент вилояти ҳокимининг қарори қабул қилинган бўлиб, унда бу туманга ҳар йили 50 гектар ерга терак экиш ва ўн йилда 500 гектар майдонда теракзор барпо этиш вазифаси юклатилган. Далаларни айланиб, йўл ва ариқ бўйлари, бўш жойлар ҳамда айрим карталарнинг бир қисмига экилган теракларнинг бўйи 3-4 метрга бориб қолганини кузатдик. Дарахтлар далаларга кўрк бериб турибди. Лекин, афсуски, бу ерда ҳам топшириқ 50-55 фоиз бажарилиб, муҳим иш аро йўлда қолиб кетган.

— Беш йил илгари 4 гектар майдонда теракзор барпо этган эдик, — дейди "Миркомил" фермер хўжалиги аъзоси Ўткир Маҳмудов. — Ўтган йил кузида унинг 600 тупини кесиб, дала шийпони қуриш учун тайёрлаб қўйдик. Агар ҳар бир донасини камида 2 минг сўмдан сотсак ҳам, 1,2 миллион сўм пул бўлади. Теракнинг фойдаси шу эмасми?

Хўш, бу борада ўрмон хўжалиги соҳасида аҳвол қандай? Аввало, бу тизимда режалар бажарилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Ўтган даврда тизим хўжаликларида 4,5 минг гектар майдонда терак ва бошқа ёғочбоп дарахтзорлар барпо этилган бўлиб, йилига 9 минг куб метр ёғоч-тахта тайёрланмоқда.

— Республикамиз халқ хўжалиги ва аҳолисининг ёғоч-тахта маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш учун бизда барча шарт-шароит мавжуд, — дейди Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Шермуҳаммад Юсупов. — Масалан, йилига 5 миллион куб метрдан зиёд тахта ва ёғоч тайёрланса, талаб қондирилади. Шу билан бирга, полиграфия саноати учун зарур бўладиган қоғоз масаласини ҳам ҳал қилса бўлади. Негаки, 6 куб метр тахтадан бир тонна целлюлоза, ундан эса 950-970 килограмм қоғоз чиқади. Бир гектар теракзордан ўртача 500 куб метр ёғоч олинса, республикамизга йилига керак бўладиган 100 минг тонна қоғоз олиш учун эса 600 минг куб метр атрофида терак ёғочи кифоя.

Вазирлар Маҳкамаси ҳукуматнинг "Саноат теракчилигини ривожлантириш ва бошқа тез ўсувчи ёғочбоп дарахтзорларни барпо этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қониқарсиз бажарилганлигини ҳисобга олиб, жорий йил баҳорида мамлакатимиз шаҳар ва қишлоқларида қўшимча равишда яна 39 миллион дона терак ва ёғочбоп дарахтлар ҳамда турли хил мевали кўчатлар экиш юзасидан топшириқ берди. Унга кўра, Ўрмон хўжалиги бош бошқармасига етарли миқдорда кўчат етказиб бериш вазифаси юклатилди. Шу кеча-кундузда бу борада иш қизғин олиб борилмоқда. Жорий йилнинг 20 мартига қадар эса ҳукумат топшириғи 70 фоиздан ошириб уддаланди.

Кейинги пайтда ҳукуматимиз томонидан боғдорчилик ва ўрмон хўжалигига алоҳида эътибор берилаётганлигини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Вазирлар Маҳкамаси 2005 йил 2 мартда республикамизнинг турли минтақалари шароитларида боғдорчиликни ривожлантиришнинг ягона стратегиясини ишлаб чиқиш, тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда парваришлашнинг янги технологияларини жорий этиш, шунингдек, манзарали ўсимликлар етиштиришга ихтисослашган хўжаликлар фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида "Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси ҳузурида Манзарали боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги республика илмий-ишлаб чиқариш марказини ташкил этиш тўғрисида" қарор қабул қилди.

Биз мамлакатимиз халқ хўжалиги учун ғоят катта аҳамиятга эга бўлмиш муҳим масалага доир ҳукумат қарорининг ижросида йўл қўйилган хато ва камчиликлар тўғрисида фикр юритдик. Аслида бу ана шу вазифага мавсумий иш сифатида муносабатда бўлинганлигининг оқибатидир. Кўчат экиш эса мавсумий эмас. Шуни ҳисобга олиб, келгусида ҳам мазкур мавзуни яна давом эттириш, жойлардаги ишлар билан газетхонларни хабардор этиб бориш ниятидамиз.

Ҳосил КАРИМОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Молия тизими



Республикамизнинг энг йирик акциядорлик-тижорат банкларидан бири — "Пахтабанк" 2004 йилги фаолияти давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда ҳукуматининг иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш ва янада чуқурлаштиришга қаратилган фармонлари ва қарорлари талабларини тўла амалга ошириш йўлида тинимсиз изланишлар олиб борди. Натижада молия-кредит тамойиллари такомиллаштирилди, янги-янги банк хизмати турлари жорий этилди. Шу жиҳатдан якунланган йил банк тарихида интилиш даври сифатида ўзига хос салмоқли из қолдирди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш кўлами янада кенгайди. Аҳолининг бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш, омонатчилар, акциядорлар ва банкнинг бошқа кредиторлари манфаатларини ҳимоя қилиш соҳаларида кескин юксалишга эришилди. Коммунал хизматлари учун тўловларнинг вақтида тушишини таъминлаш мақсадида бевосита "Пахтабанк" томонидан яратиб берилган қулайликлар ўз самарасини бера бошлади. Юридик ва жисмоний шахслар ўртасида ҳисоб-китоб қилишнинг нақд пулсиз, тез ва қулай, энг муҳими, даромадли воситаси бўлган пластик карточкалар сезиларли даражада кўпайди. Шунингдек, 2004 йилда банкнинг ташқи иқтисодий фаолияти янада кенгайиб ва мустаҳкамланиб, республика ҳукуматининг самарали валюта сиёсатини амалга оширишга қўшаётган ҳиссаси кучайди.

Англияда чоп этилаётган, ўзининг чуқур тарихи ва миллионлаб ўқувчиларига эга бўлган "The Banker" журнали "Пахтабанк" фаолиятини тўла таҳлил қилган ҳолда уни 2004 йилда ҳам "Ўзбекистоннинг энг яхши банки" деб эътироф этилганлиги, айниқса, диққатга сазовордир. Ушбу юксак совринни қўлга киритишда банк кўрсаткичларининг бир-бирига мутаносиб ва барқарор ривожланиш тенденцияларига мувофиқ шакллантирилганлиги танловда муҳим аҳамият касб этди.



«ПАХТАБАНК»:

МАСЪУЛИЯТЛИ ВАЗИФАЛАРНИ БАЖАРИШ ЙЎЛИДА

Фермерларнинг ишончли кўмакчиси

Ўтган йили "Пахтабанк" давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчи ширкат ва фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қуватлашни ҳар томонлама кучайтиришга катта эътибор қаратди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида"ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг "2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида махсус дастур ишлаб чиқилди.

Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан ҳисоб-китоб жамғармаси ҳамда Марказий банк томонидан ишлаб чиқилиб, Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилган фермер хўжаликларининг давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини молиялаштириш, ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини ва бўлғуси ҳосилни гаровга олган ҳолда тижорат банклари томонидан кредит бериш тартиб-қоидалари ана шу дастурни амалга оширишда жуда қўл келмоқда. Дастурга мувофиқ, давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот етиштириш харажатларини молиялаштиришнинг янгича механизми татбиқ этилган вилоятларда фермер хўжаликлари раҳбарлари иштирокида семинарлар ташкил этилиб, уларга ушбу механизмнинг моҳияти ва мақсади, имтиёзли кредитлар олиш тартиби, банк томонидан кўрсатилаётган молиявий хизматлардан оқилона ва самарали фойдаланиш йўл-йўриқлари ҳақида тушунча ва маълумотлар берилди. Қишлоқ хўжалиги корхоналари, шу жумладан, фермерларга ҳар томонлама хизмат кўрсатаётган, республикамизнинг чекка ҳудудларигача кириб борган банкнинг барча филиаллари ва минибанклари бу борадаги тегишли меъёрий ҳужжатлар ва кредит шартномаларининг намунавий нусхалари билан таъминланди.

Янгича тамойилларнинг изчил жорий этилаётганлиги натижасида фермерлар ўзлари учун зарур пайтда ва зарур миқдордаги имтиёзли кредитни қисқа фурсатда олиш имкониятига эга бўлдилар. Жумладан, ўтган йили Андижон, Бухоро, Жиззах, Навоий, Наманган, Самарқанд, Фарғона ва Хоразм вилоятлари фермер хўжаликларига пахта етиштириш харажатлари учун 29 млрд. 547 млн. сўм, ғалла етиштириш харажатлари учун эса 1 млрд. 898 млн. сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилди. Таъкидлаш жоизки, ғалла ва пахта ҳосили учун ажратилган кредитлар 100 фоиз ўз вақтида ва тўлиқ сўндирилди.

Молиявий муассаса филиаллари билан қишлоқ хўжалик корхоналари ўртасидаги кредит муносабатларини янада такомиллаштириш мақсадида шу кунгача орттирилган бой тажрибалар ҳамда Жаҳон банкидан жалб этилган маслаҳатчининг тавсияларига мувофиқ, "Пахтабанк" тизимида қишлоқ хўжалик корхоналарига кредит бериш тартиби" янги таҳрида ишлаб чиқилиб, жорий қилинди. Ушбу янги тартиб асосида қишлоқ хўжалиги тараққиётида техника таъминоти ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлиги ҳисобга олиниб, банкнинг ўз ресурслари ҳисобидан қишлоқ хўжалик корхоналарига ўзларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга молиявий ёрдам берилмоқда. Жумладан, 2004 йил давомида 1380 та хўжалик ва уларга хизмат кўрсатувчи корхоналарга жами 19 млрд. 316 млн. сўм миқдорида кредит ажратилди. Бу аввалги йилдагига нисбатан 54 фоиз кўпдир. Шунингдек, фермер хўжаликларига қўшимча қулайликлар яратиш, банк хизматини уларга янада яқинлаштириш мақсадида ҳудудларда қўшимча 96 та минибанк ташкил этилди.

Банк ширкат ва фермер хўжаликларига ҳамда уларга хизмат кўрсатувчи қишлоқ хўжалик корхоналарига техника харид қилиш учун молиявий ёрдам кўрсатишда кредитлашнинг лизинг усулидан ҳам кенг ва самарали фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. 2004 йилда жами 84 та лизинг объектлари бўйича 2,5 млрд. сўмлик хизмат кўрсатилгани, бу кўрсаткич 2003 йилдагига нисбатан 70,6 фоиз кўплиги бунинг тасдиғидир.

Ҳозирги кунда эса маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида банк асосий эътиборни "Ўзқишлоқмашхолдинг" компанияси корхоналари, хусусан, "Тошкент трактор заводи", "Агрегат заводи" ва "Тошқишлоқмаш" акциядорлик жамиятларида ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалик техникаларини лизинг йўли билан харид қилувчиларга молиявий ёрдам беришга қаратмоқда.

2005 йилда ҳам қишлоқ хўжалиги ва уларга хизмат кўрсатувчи корхоналар моддий-техник базасини асосан маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг техникалари ҳисобига мустаҳкамлаш, чет эл кредит линиялари орқали инвестицияларни жалб этиш, уларга лизинг хизмати кўламини кенгайтириш ишларини изчил давом эттириш режалаштирилган.

Кредит маблағлари — реал секторга

Маълумки, у ёки бу давлатнинг иқтисодий салоҳияти, аҳоли турмуш даражаси, халқ фаровонлиги шу юртда ишлаб чиқариладиган ялпи ички маҳсулот ҳажмига қараб белгиланади. Унинг оз ёки кўплиги эса, мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари қай даражада ривожланганига, бошқача қилиб айтганда, уларга қандай зарур шарт-шароитлар яратиб берилаётганига боғлиқдир.

Шуни ҳисобга олиб, "Пахтабанк" кредит маблағларини кўпроқ иқтисодиётнинг реал секторига, хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сафини кенгайтириш ва улар фаолиятини ривожлантиришга, аҳоли учун зарур кенг истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган замонавий технологияларни сотиб олишни кредитлашга йўналтириш, шу йўл билан ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва нақд пул тушумларини кўпайтиришга алоҳида эътибор бермоқда. Натижада банк хизмат кўрсатаётган кичик бизнес субъектлари 2004 йилда 11 минг 474 тага кўпайиб, 83 минг 208 тани ташкил этди. Шундан 45 минг 989 таси деҳқон ва фермер хўжаликларидир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи кенгаши тасдиқлаган истиқбол режаси (параметри)га асосан, 2004 йил давомида кичик бизнес субъектларига 4288 та лойиҳа бўйича банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан режадаги 13,6 млрд. сўм ўрнига 14,4 млрд. сўм кредит ажратилди. Ушбу маблағларнинг 21 фоизи қисқа муддатли, 79 фоизи узоқ муддатли кредитлардир. Шунинг ҳисобига 11 минг 921 та янги иш ўрни очилиб, улар томонидан 8,73 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, хизматлар кўрсатилди.

Тадбиркорларни имтиёзли кредитлар билан таъминлаш мақсадида махсус жамғарма ҳам изчил шакллантириб борилмоқда. Ўтган йил давомида имтиёзли кредитлаш махсус жамғармаси 2,2 млрд. сўмга ўсиб, 10 млрд. сўмга етди. Бу маблағлар эса иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилди.

"Пахтабанк" кичик бизнес субъектлари ҳамда деҳқон ва фермер хўжаликларини маблағ билан таъминлашни янада такомиллаштириш ва банкнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш учун халқаро молиявий институтлар билан ҳам ўзаро ҳамкорликни кучайтирмоқда. Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида Германиянинг КфВ банки, Европа Тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё Ривожланиш банки, Хитой "Эксимбанк"и, Жаҳон банки кредит линиялари жалб қилинган. Жумладан, "Пахтабанк" ҳамда Европа Тикланиш ва тараққиёт банки ўртасида 7 млн. АҚШ доллари миқдоридаги кредит шартномаси бўйича, 2005 йил 1 январь ҳолатига кўра ажратилган 1,4 млн. доллари, "Пахтабанк" ҳамда Осиё Ривожланиш банки ўртасида 7,5 млн. АҚШ доллари миқдоридаги лойиҳа битимининг шу даврга мўлжалланган 2,2 млн. доллари тўлиқ ўзлаштирилди.



Таъкидлаш жоизки, "Пахтабанк" томонидан Европа Тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Осиё Ривожланиш банки томонидан ажратилган кредит линияларини ўзлаштириш орқали кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, муқобил МТПларни молиялаштиришни кўзда тутган Халқаро тараққиёт ва тикланиш банки кредит линияларини ўзлаштириш жараёнлари 2004 йилда ҳам изчил давом эттирилди. Иқтисодиётнинг ривожланиши учун муҳим аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларни танлаб олишда уларнинг экспортбоп ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилганлиги, маҳаллий хомашёни қайта ишлашга асосланганлиги, лойиҳа амалга оширилиши кўзда тутилган ҳудудда зарур хомашёнинг етарли бўлиши ҳамда ишлаб чиқарилган маҳсулотга нисбатан талабнинг мавжудлиги, кредит ҳисобидан жалб этилаётган технологияларнинг замонавийлиги, барпо этилаётган ишлаб чиқаришнинг экологияга таъсири ва лойиҳа ташаббускорларининг танлаган соҳалари бўйича малакаларига асосий эътибор қаратилаётир.

2004 йилда, шунингдек, кредит линиялари ҳисобидан 5,4 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағни ўзлаштириш кўзда тутилган эди. Амалда эса, 7,7 млн. доллар ўзлаштирилиб, жами 1110 та янги иш ўрни очилди.

"Пахтабанк" бу йўналишда ўзининг келгусида амалга ошириши зарур бўлган устувор вазифаларини аниқ ва пухта белгилаб олган. Хусусан, кичик ва бозорга мослашувчан ва албатта, маҳаллий хомашёдан экспортбоп ҳамда импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган лойиҳаларни танлаб олиб, молиялаштириш анъанаси изчил давом эттирилади. Шу билан бирга, мавжуд хорижий кредит линияларидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаштириш учун мақбул даражада фойдаланиш, яъни тўлиқ ўзлаштириш ва янгиларини жалб этиш, ходимлар малакасини мунтазам ошириб бориш режалаштирилган.

Аҳоли учун қулайлик

Республика ҳукуматининг аҳолига кўрсатилаётган коммунал хизматлар учун тўловларни тартибга солиш тўғрисидаги қарорлари ижросига амалий ҳисса қўшиш мақсадида "Пахтабанк" бир қатор янгиликларни жорий этди. Чунончи, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги "Электр энергиядан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб механизмини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 511-қарорининг ижроси юзасидан аниқ вазифалар белгилаб олиниб, улар изчил амалга оширилмоқда.

Банкнинг марказий идорасида аҳолининг коммунал тўловлари билан ишловчи алоҳида бўлим ташкил этилган. Электр қуввати ва табиий газдан фойдаланганлик ҳамда бошқа коммунал хизматлар ҳақини тўлашда аҳолига тўла қулайлик яратиш мақсадида ҳокимликлар ва Марказий банкнинг вилоят бошқармалари билан келишилган ҳолда жойларда 101 та қўшимча махсус шохобчалар очилиб, ишга туширилди. Коммунал хизмат кўрсатувчи барча ташкилотлар билан банк ўртасида тўловларни қабул қилиш юзасидан шартномалар тузилди. Махсус очилган қўшимча шохобчалардан ташқари банкнинг барча филиаллари ва минибанкларида коммунал тўловларни қабул қилиш кенг йўлга қўйилди. Бунинг учун махсус компьютер дастури ишлаб чиқилиб, жорий этилди. Банкнинг шу фаолият билан шуғулланувчи ходимлари қайта ўқитилиб, тайёргарлик синовидан ўтказилди. Ҳозирги кунда коммунал тушумларнинг кунлик мониторинги ташкил этилиб, бу ҳолат назорат ва таҳлил этиб борилмоқда.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида фақат шу йил январь ойининг ўзида аҳолидан 5 млрд. 551 млн. сўм, жумладан, янги ташкил этилган шохобчаларда 238 млн. сўмлик коммунал тўловлар қабул қилиб олинди.

"Пахтабанк" Вазирлар Маҳкамасининг "Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида" ва "Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари талабларидан келиб чиққан ҳолда, ойлик иш ҳақини бериш, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида ҳисоб-китобнинг ушбу қулай ҳамда фойдали усулини ҳам 2005 йилнинг охиригача мўлжаллаб тузилган аниқ дастур асосида жорий этиб бормоқда. 2003 йилда пластик карточка олган мижозлар сони 10 минг тани ташкил этган бўлса, 2004 йилда улар тўққиз баравар кўпайиб, 90 минг тага етди. "Пахтабанк" пластик карточкалари орқали ҳозирда 500 дан ортиқ ташкилот ходимлари иш ҳақларини олишмоқда. Савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига ўрнатилган терминаллар сони 278 тага, банкоматлар сони 20 тага етди. Бугунги кунда эса савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига 1,5 мингта терминал ўрнатиш ва аҳолига 520 мингта пластик карточка тарқатиш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда.

"Пахтабанк" ўзининг пластик карточкага эга бўлган мижозлари ушбу ҳисоб-китоб усулидан мамлакатнинг барча ҳудудларида бемалол фойдалана олишлари учун имконият яратиш мақсадида республикадаги бошқа тижорат банклари билан ўзаро ҳамкорлик шартномасини тузган. Ҳозирда, банк пластик карточкаларининг корпоратив ва кредит турларини ҳам жорий этиш учун "DUET 4.7" дастури ўрнатилди. 2005-2006 йилларда эса халқаро тоифадаги карточкаларни муомалага чиқариш ҳам мўлжалланмоқда.

Ташқи иқтисодий фаолият

Республика Марказий банки томонидан самарали пул-кредит сиёсати олиб борилаётгани туфайли миллий валюта — "сўм"нинг алмашув курси барқарорлиги таъминланиб, 2004 йилда мамлакат тижорат банклари ва молия тизимида қулай иқтисодий муҳит яратилди. Хусусан, банклар ўз мижозларининг хорижий валютага бўлган талаб-эҳтиёжини қондириш имкониятига эга бўлди. Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча хўжалик юритувчи субъектларга ташқи савдо битимлари тузиш ва хорижий валюталарда операциялар ўтказиш учун тенг ҳуқуқлар яратилди.

2004 йилда биржа ва биржадан ташқари валюта бозоридаги конвертация операциялари ҳажми ҳам сезиларли даражада ортди. Алоҳида таъкидлаш лозимки, биржадан ташқари валюта бозоридаги операциялар 2003 йилдагига нисбатан 6,1 баробар, нақд валюта билан операциялар эса 11 фоизга ошди. "Пахтабанк"нинг халқаро валюта операциялари хорижий банклар ва республика ичидаги 22 та банкдаги вакиллик ҳисоб рақамлари орқали амалга оширилди. Умуман, халқаро операцияларнинг 90,3 фоизи бевосита банк ўтказмаларига тўғри келди.

Республика валюта биржасида мижозларнинг талабларига мувофиқ импорт товарлар юзасидан ҳисоб-китоблар учун амалга оширилган конвертация ҳажми ҳам 2003 йилдагига нисбатан бирмунча кўпайди. Валюта биржасида сотиб олинган маблағлар қишлоқ хўжалик техникалари учун эҳтиёт қисмлар, ўғит ҳамда ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситалари ва пахта тозалаш саноати корхоналари учун материаллар харид қилишга йўналтирилди.

Ташқи савдо фаолиятини эркинлаштириш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар натижасида эса барча операция турлари бўйича экспорт-импорт шартномалари аввалги йиллардагига нисбатан анча кўпайди.

"Пахтабанк" мижозлари 2004 йилда умумий қиймати 16,6 млн. АҚШ долларлик пахта линти, цемент, қишлоқ хўжалик техникалари, шарбат, вино, тўқимачилик ва консерваланган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилди. Бу 2003 йилдагига нисбатан 54 фоиз кўпдир.

Шуниси диққатга сазоворки, банк мижозлари экспорти таркибида тайёр маҳсулотлар салмоғи тобора кўпайиб бормоқда. Уларнинг асосий қисми Россия, АҚШ, Ғарбий Европа, Марказий Осиё, Ҳамдўстлик ва Болтиқбўйи давлатларига экспорт қилинмоқда. Республикага олиб келинаётган маҳсулотларнинг асосий қисми Россия, Хитой ва Ғарбий Европа мамлакатларига тўғри келиб, булар асосан ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари, технологик ускуналар, металл маҳсулотлари, қурилиш моллари ишлаб чиқариш саноати учун хомашёлардан иборатдир.

Ўтган йили банк аҳоли учун валюта алмаштириш шохобчаларини ҳам 27 тага кўпайтириб, 261 тага етказди. Натижада ана шу шохобчалар орқали амалга оширилган валюта олди-сотди операциялари ҳажми 2003 йилдагига нисбатан 8,5 баробар ошди.

Жаҳоннинг йирик ва нуфузли банклари билан йўлга қўйилган изчил ҳамкорлик банкнинг ташқи иқтисодий фаолияти кенгайиб боришига салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Акциядорлар ва кредиторлар манфаатини кўзлаб

Мамлакатимизда ислоҳотларни жадаллаштириш ва янада чуқурлаштириш жараёнлари изчил давом эттирилаётган бугунги кунда "Пахтабанк" асосий эътиборни ўзининг таркибий тузилмаси ва фаолият стратегиясини жаҳон андозалари даражасига кўтаришга, мамлакат иқтисодиётини молиялаштиришга салмоқли ҳисса қўшиш, банк хизмати турларини кўпайтириб, мижозлари сафини кенгайтириш, акциядорлар ва барча кредиторлар манфаатларини ҳимоялаш, аҳолининг бўш маблағларини банк айланмасига жалб этишга қаратиб, ўз капитал базасини мустаҳкамлашга, молиявий барқарорлигини таъминлашга, аҳоли ва барча мижозларнинг банкка нисбатан ишончини янада оширишга эришди. Ҳозирги пайтда банк барча мулк шаклидаги ва турли соҳаларда фаолият юритаётган 109 мингдан зиёд юридик ҳамда 248 мингдан кўпроқ жисмоний шахсларга комплекс хизмат кўрсатмоқда. Минтақавий вилоят бошқармалари 13 тага, улар таркибидаги ва мустақил филиаллари 183 тага, жойлардаги минибанклар 452 тага етганлиги банк хизмати кўрсатиш имкониятларини янада кенгайтирмоқда.

Бошқарув тизимини давр талабига мослаб бориш, банкда ягона ахборотлар базасини шакллантириш, тўловлар ўтишини тезлаштириш орқали мижозларга қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида амалдаги электрон тўлов тизими янада такомиллаштирилди. Республикада фаолият кўрсатаётган бюджетдан ташқари жамғармалар ва жаҳон молиявий институтлари билан яқиндан алоқалар ўрнатилиб, уларнинг маблағларини банкка жалб этган ҳолда мамлакат иқтисодиётининг устувор йўналишларини молиялаштириш янада кенгайтирилди.

Банк ресурс базаси ва ўз депозитлари базасини шакллантиришда, жумладан, аҳолининг банкдаги омонатларини кўпайтиришда ҳам ижобий натижаларга эришди. Масалан, аҳолининг муддатли омонатлари 2004 йил давомида 8,8 млрд. сўмга кўпайиб, 27,3 млрд. сўмга етди.

2004 йил 31 декабрь ҳолатига кўра, жами активлар 238,9 млрд. сўмни, шундан даромад келтирувчи активлар 166 млрд. сўмни ёки уларнинг жами активлардаги салмоғи 69,5 фоизни ташкил этди. Бу кўрсаткич ўтган йил бошидагига нисбатан 26,4 млрд. сўмга ёки 19 фоизга кўпдир.

Банкнинг жамлама капитали эса 2004 йил якунида 51,3 млрд. сўмни ташкил этиб, йил бошидагига нисбатан 5,3 млрд. сўм ёки 11,4 фоиз ортди. Бугунги кунда шакллантирилган жамлама капитал миқдори Марказий банк томонидан ўрнатилган ҳамда хорижий банклар билан имзоланган кредит шартномаларида акс эттирилган иқтисодий меъёр ва талабларга тўла жавоб беради.

2004 йилда банкнинг ликвидлиги ва даромадлилигининг мақбул даражада бўлишини, шу билан бирга, таваккалчилик хавфини пасайтиришга қаратилган тадбирлар изчил амалга оширилганлиги натижасида банк молиявий ҳолати ҳам мустаҳкамланди.

"Пахтабанк" 2005 йилда ҳам республика қишлоқ хўжалигини тубдан ислоҳ қилишни жадаллаштириш ва янада чуқурлаштиришга қаратилган Президент фармонлари ва ҳукумат қарорларининг ижросига салмоқли ҳисса қўшиш мақсадида ўз филиаллари ва минибанклари тармоғини янада кенгайтириш, қишлоқ хўжалиги ва у билан боғлиқ соҳаларга кўрсатилаётган банк хизмати турларини кўпайтириш, асосан экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришга, маҳаллий хомашёни қайта ишлайдиган ва бозорга тез мослашадиган кичик корхоналарга йўналтирилган лойиҳаларни ўз вақтида молиялаштириш, чет эл кредит линиялари бўйича инвестицияларни кенг жалб этиш ишларини аниқ режа ва дастурлар асосида изчил давом эттирмоқда.

Банк матбуот хизмати.

«Ватан ғурури» танловига

ПОК ОПА

Хивадаги 20-Меҳрибонлик уйига ташриф буюрган ҳиндистонлик сайёҳлар қаршисига истараликкина аёл пешвоз чиқди.

— Бу киши Меҳрибонлик уйининг директори, Ўзбекистон Қаҳрамони, корейс миллатига мансуб Вера опамиз, яъни, Вера Борисовна Пак, — дея таништирди уни таржимон. 1985 йилдан бери шу ерда раҳбар.

Меҳмонлар орасида ўзини «Ҳиндустан таймс» газетасининг вакили деб таништирган журналист ҳам бор эди. У Меҳрибонлик уйи билан танишаётиб, кўпроқ ўзбекларга хос бўлган болажонлик хислати бу юртда яшаётган бошқа миллатларга ҳам юққан экан-да, деган хаёлга борди ва опага мурожаат қилди.

— Ўзингизнинг нечта фарзандингиз бор?

— Ҳозирча учта.

Корейсларга хос самимий ҳазилни таржимон кучайтирди:

— Вера опа иккинчи марта Қаҳрамон бўлмоқчи, яъни, Қаҳрамон она.

Мухбир имкониятдан фойдаланиб қолишга интиларди. Шунинг учун у навбатдаги саволни берди:

— Меҳрибонлик уйининг тарбияланувчилари ўсиб, вояга етиб, мустақил ҳаётга қадам қўйгач, ота-онасиз ўсганман, деб ўкинмаслигларига, яъни армон қилмаслигларига ишонасизми?

— Албатта. Чунки, болажонларимиз бу ерда яшаётганларида ҳам, катта ҳаётга қадам қўяётганларида ҳам бизнинг ўзлари кутганларидай ота-она бўлолганимизга, қолаверса, ғоятда меҳрибон Ватанга эга эканликларига астойдил ишонишади.

***

Вера Борисовна меҳмонларни кузатиб хонага қайтиб киргач, катта гапириб юбормадимми, дегандек бироз ўйланиб қолди.

У катта гапирмаганди. Меҳрибонлик уйининг барча тарбиячиларига ишончи ҳақиқат эди. Лекин бунга эришиш ўз-ўзидан, осонликча бўлмаган...

У директор сифатида иш бошлаган йиллари «Болалар уйи» деб аталган бу даргоҳнинг аҳволи жуда ночор эди. Тарбияланувчиларнинг кийим-бошларига қараб бўлмасди. Чўлтоқ қаравотлар, яғири чиқиб кетган тўшаклар, ранги қандайлиги билинмайдиган поллар... Қисқаси, бу ер ўз оти билан «детдом» бўлса, деган нописанд муносабатни ҳар қадамда сезиш мумкин эди.

У аҳволни ўнглашга фаол киришди. Ўзини бу ерга раҳбар қилиб юборишаётганда «бирга ишлайдиган ходимларни ўзим танлайман» деб шарт қўйган ва бу таклифи раҳбарият томонидан қабул қилинганди. Шунинг учун у аввал ҳисобчи ва ошпазни ўзгартирди. Маҳаллалар, ишхоналарга бориб, у ерлардаги кайвони одамлар билан фикрлашиб, маслаҳатлашиб, ўзига тўқ, ҳалол, ташмачилик ва ўғриликдан ҳазар қиладиган одамларни топди. Сўнг, айрича болажон, ғўдак йиғласа юраги эзиладиган, қувонса қўшилиб суюнадиган, тарбиячилик иқтидори ва ихтисоси бор аёлларни, қизларни аниқлади. Улардан энг малакалиларини танлаб ишга олди.

Вилоят ва республика марказидан туманга, шаҳарга раҳбарлар ташриф буюрса, бир иложини қилиб, уларни Болалар уйига олиб келишга интилди. Худо ёрлақаб, аксарият ҳолларда ташрифлар самарали бўларди. Шу тарзда у, тез фурсатда бинони таъмирлатиб олишга муваффақ бўлди. Каравот ва тўшаклар муаммосини ҳал этиш ҳам узоқ чўзилмади. Тарбияланувчиларнинг либослари янгиланди. Қора, жигарранг кийимлар кийиб, турқлари бир хил, нурсиз, сўник кўринадиган кичкинтойларнинг юзлари ҳам, руҳкайфиятлари ҳам ўзгарди.

— Ўша йиллари Тошкентга йиғилишга борасиз, дейишса жон деб рози бўлардим, — дея ҳикоя қилади опа. — Чунки, у ердан оқ пайпоқлар ҳамда ленталардан кўпкўп харид қилиб кўтариб келардим. Шунинг учун баъзилар менга ўша даврда «Пайпоқчи Пак» деган ном ҳам қўйишган. Майли, болаларим учун битта лақаб орттирсам орттирибман-да, ҳечқиси йўқ, деб қўяверардим. Харидлар вақтида пулим етмасдан, шерикларимдан бир неча марта қарз бўлганман. Дўкончилардан эса, чайқовчимасмисиз, деган сўзларни ҳам эшитганман.

Тўқсонинчи йилларга келиб, бу даргоҳ барча шароит-имкониятга эга, тарбияси юксак, тарбиячилари малакали, маҳоратли Болалар уйи сифатида бутун вилоятда ном қозонди, тилга тушди. Мутасаддилар эса «Биз бежизга Вера Борисовнага ишонч билдирмаганмиз-да!» дея муваффақиятни энг аввало изланувчан ва ташкилотчи директорнинг номи билан боғлашди.

Ҳа, унинг жонкуярлиги туфайли номигагина фаолият кўрсатиб келган кутубхона янада бойиди ва ҳақиқий маърифатхонага айланди. Ўғил болалар дарсдан бўш вақтларида шуғулланишлари учун ганчкорлик, дурадгорлик, сураткашлик, қизларга эса, каштачилик, тўқиш, зардўзлик каби тўгараклар жорий этилди. Уларга, тўгарак раҳбарига Хивада халқ амалий санъатининг ҳақиқий профессионал намояндалари сифатида танилган усталар бириктириб қўйилди. Бадиий ҳаваскорлик тўгараги қатнашчиларининг ўзига хос бетакрор дастурисиз бирон бир байрам ўтмайдиган бўлиб қолди.

Бу сўзлардан Болалар уйининг иши доим «беш», яъни, ҳар хил феъл-атворли. турли дунёқарашдаги болаларни ўз бағрига оладиган бу жамоага муаммолар бутунлай бегона экан-да, деган хулоса чиқарилмаслиги керак. Ғоятда ачинарли, қийин шароитларда ўсган, тақдир силкитишлари туфайли дайди ҳаёт оқимига улоқтирилган, натижада инжиқ, қайсар, алдоқчи-ёлғончи болалар билан дарров тил топишиш осонми? Уларнинг баъзилари тартиб-интизомнинг кўчасидан бутунлай узоқлашган, ҳатто ёмон йўлга қадам қўйган бўлади. Бундайлар Болалар уйига қабул қилиниши билан ўз «қилиқлар»и дан дарров фориғ бўлади, деб ўйлайсизми?

— Икки нафар йигитчамиз шаҳардаги иқтидорли болалар марказига қатнарди, — дея суҳбатни давом эттиради опа. — Бир куни у ерга борсам, устозлардан бири болаларнинг исмини айтиб, «Вера опа, ана шу ўғилчаларингизнинг қўли сал эгрироққа ўхшайди, менинг пулимни ўғирлашди, 5-6 сўм бўлсаям майлийди, узр, ўзингизга айтаяпман», деб қолди.

Устага бу ҳақда мендан бошқа ҳеч кимга оғиз очмагани учун раҳмат айтиб қайтдим-да, ўйланиб қолдим: нима қилиш керак? Болаларни дарров марказга етаклаб бордим. Кечирим сўранглар, демадим. Қўл сумкамдан айтилган пулни олиб, устозлар олдига қўйдим ва узр сўрадим:

— Болаларда айб йўқ, буларни ҳалол қилиб тарбиялашга улгурмабман, гуноҳ менда. Кечирим сўрайман.

Сўнг, хайр-хўшлашиб, болаларни етаклаб қайтдим.

Уйимизга томон 2-3 қадам босишимиз билан иккови ҳам бирдан:

— Энди асло бундай номаъқулчилик қилмаймиз, онажон, борди-ю такрор содир этсак ўша заҳоти бахримиздан ўтинг, қўлимизни кесинг, — деб ҳўнграб йиғлаб юборишди.

Меҳрибонлик уйида айни кунларда 60 га яқин ходим-тарбиячи, мураббий, ҳамшира меҳнат қилади. Уларнинг ҳар бири бу ерда энг аввало меҳр билан сийланаётган 140 нафар ўғил-қизнинг тарбияси учунгина эмас, тақдири учун ҳам ўзини бурчли деб билади. Ушбу даргоҳни яқиндан билган мутасаддилар, халқ маорифининг етакчилари жамоани аҳилликнинг ўзига хос тимсоли деб эътироф этишади. Негаки, Меҳрибонлик уйида турли миллатга мансуб кишилар ҳавас қиларли даражада иноқ ишлашади. Гавҳар Ниёзметова, Ойбиби Исмоилова, Онабиби Алимова, Шоира Собирова, Нина Югай, Вадим Пак, Лидия Иванова, Оксана Рўзметова, Лариса Вангай, Ирина Вахитова...

— Хиваликлар устозимизни чин юракдан «Пок опа» деб эъзозлашади, — суҳбатга қўшилади Ойбиби Исмоилова. — Шундай соҳа фидойисига бундан ортиқ баҳо, олқиш ва эътироф бўладими?! Опа бирорта болага ота-онанг ёмон демайди. Аксинча, ҳозир бемор, узоқ шаҳарда даволанаяпти, соғайса сени олиб кетади, сени яхши кўради, дейди. Болаларнинг кўз ёшини кўрса сира чидай олмайди.

— Вера Борисовнанинг хонадони, оиласи ҳам меҳр ва аҳиллик, тарбиянинг чинакам масканидир, — дейди Нина Югай. — Турмуш ўртоғи Владимир Пакнинг касби ҳам муаллим, узоқ йиллар болаларга, ёшларга сабоқ бериб, пенсияга чиққан. Қадрдон жамоаси, бирга ишлаган шогирдлари мунтазам равишда уни йўқлаб туришади. Ўғли Вадимжон ҳам ота-онасининг шарафли касбини — тарбиячиликни танлаган. У волидаи муҳтарамаси ёнида тарбиячи бўлиб ишлайди. Инесса қизи муҳандис. Валерия эса доришунослик билан шуғулланади.

— Баъзилар тақдирдан нолиб юришади, мен бунга қўшилмайман, — дея суҳбатимизга якун ясайди Вера Борисовна. — Донолар «Инсон ўз тақдирини ўзи яратади ва унга шукр қила билиши ҳам керак», дейишган. Мен ўз тақдиримдан розиман. Асли, узоқ Приморье ўлкасидан бўлган, ўтган аср ўттизинчи йилларининг иккинчи ярмидаги эврилишлар туфайли бир кечада бадарға қилиниб, Қорақалпоғистоннинг Кўнғирот мавзесига келиб қолган оиланинг фарзанди ўсиб, вояга етгач, Ўзбекистон Қаҳрамони бўлади, деб ким ҳам ўйлаганди?! 1961 йил Нукус давлат институти (ҳозир университет)нинг рус тили ва адабиёти факультетини муваффақиятли битириб, ўзимни бутқул мактаб ишига, тарбияга бағишлаганман.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзоси сифатида бахтлисиз, дедингиз. Тўғри. Бу омад билан ҳар қанча фахрлансам арзийди. Лекин, «Авесто» юбилейи кунлари ҳаётимда юз берган бир унутилмас воқеа учун тақдиримдан айрича шукр қиламан: Президентимиз байрамнинг асосий тантанасига кириб келар эканлар, кутиб олаётганларга бирма-бир самимий қўл узатдилар. Менинг рўпарамга келганида «Табриклайман!» деб қолдилар. Вилоят ҳокими: «Бу киши Вера Борисовна, Ўзбекистон Қаҳрамони» деб изоҳ бераётгандилар, Ислом Абдуғаниевич. «Опани яхши танийман, шунинг учун табриклаяпман», десалар бўладими?! Бу сўзлардан беихтиёр кўзимга ёш келди...

Зеро, бу — ибратли меҳнат барибир ўзининг муносиб эътирофини топади, деган ишончнинг, мамнунликнинг ёшлари ҳам эди.

Юсуф БЕРДИЕВ.

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИ

апрель ойи репертуари

75-мавсум

1	жума	18.00	П.Чайковский. «Уйқудаги гўзал», балет.
2	шанба	17.00	Г.Доницетти. «Севги шароби», опера премьераси.
3	якшанба	17.00	Р.Леонкавалло. «Масҳарабозлар», опера.
6	чоршанба	18.00	П.Чайковский. «Оққуш кўли», балет.
9	шанба	19.00	«Офарин» замонавий рақс театри «Янги номлар».
13	чоршанба	18.00	В.Моцарт. «Фигаронинг тўйи», опера.
15	жума	18.00	А.Эргашев. «Ҳумо», балет премьераси.
16	шанба	18.00	Концерт «Унутилмас наволар».
17	якшанба	17.00	А.Эргашев. «Ҳумо», балет премьераси.
19	сешанба	18.00	Суюкли оперетталар кечаси.
20	чоршанба	18.00	А.Асафьев. «Боғчасарой фавворасы», балет.
21	пайшанба	18.00	М.Ашрафий. «Дилором», опера.
22	жума	18.00	С.Прокофьев. «Ромео ва Жулетта», балет.
23	шанба	17.00	Ш.Гуно. «Фауст», опера.
24	якшанба	12.00	Г.Гладков. «Бремен мусиқачилари», мюзикл.
		17.00	А.Эргашев. «Ҳумо», балет премьераси.
26	сешанба	18.00	Дж.Верди. «Отелло», опера.
27	чоршанба	18.00	М.Ашрафий. «Севги тумори», балет.
28	пайшанба	18.00	Ж.Бизе. «Кармен», опера.
29	жума	18.00	П.Чайковский. «Щелкунчик», балет.
30	шанба	17.00	Дж.Верди. «Аида», опера.

Театр бош ҳомийси — SAMSUNG Electronics.
Театрнинг раҳбари — Бахтиёр Ёқубов.
Бадиий раҳбар — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Анвар Эргашев.

Касса ҳар куни соат 10.00 дан 19.00 гача ишлайди. Телефон 133-90-81.

«O'zgeoburg'uneftgazqazibchiqarish» AK

ОЛИЙ МАЪЛУМОТЛИ ҲУҚУҚШУНОС-МАСЛАҲАТЧИ БЎШ ИШ ЎРНИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.



Танлов шартлари:

- Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларини мукаммал биладиган;
- республика халқ хўжалиги тармоғидаги корхоналарда камида 5 йил иш стажига эга бўлган малакали, кучли билим ва тажрибага эга;
- ўзбек ва рус тилларини (жоиз бўлса хориж тилларидан бирортасини — инглиз, немис) биладиган;
- компьютерда мустақил ишлашни биладиган;
- ёши 50 гача бўлган;
- Тошкент шаҳрида доимий рўйхатдан ўтган бўлиши шарт.

Мулоқот учун телефонлар: 134-64-56, 135-89-04.

Танловда иштирок этишни хоҳловчилар қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин: Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 66-уй, ходимлар бошқармаси.

Танлов муддати — эълон чоп этилгандан бошлаб 20 кун ичида.

Барча турдаги қурилиш ташкилотлари диққатига !

ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИ

БУХОРО ВИЛОЯТИ ҚУРИЛИШДА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ВА НАРХЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ҲУДУДИЙ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ

қуйидаги иншоотга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:

№	Иншоот номи	Тугатиш муддати
1	М37 «Самарқанд - Бухоро - Туркманистон Республикаси чегараси» автомобиль йўлининг 331 кмдаги кўприкни қайта қуриш	19 ой

Буюртмачи — «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компанияси автомобиль йўллар бирлашган дирекцияси.

Манзил: Тошкент шаҳри, Пушкин кўчаси, 68-«А» уй.

Қурилиш ишлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қошидаги Республика йўл фонди ҳисобидан молиялаштирилади.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: устав сармояси миқдори, танлов савдолари предметининг камида 20 фоиз миқдорида айланма маблағларга ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда, яъни автомобиль йўллари ва кўприкларни капитал таъмирлаш бўйича ишлаганлик тажриба ва кўникмаларга, кўприклар қурилиши учун лицензияга эга бўлишлари ҳамда шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга ва ваколатларга, ўзаро ишончга, шунингдек, етарли ишчи кучи захираларига ҳамда қобилиятига эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин.

Манзил: Бухоро ш., Навоий шоҳкўчаси, 5-уй, 18-хона. Тел.: 223-96-29, факс: 223-97-51.

Оферталар юқоридаги манзилда соат 10.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Ҳужжатлар бир тўпламининг (комплект) қиймати — 50 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Тендер савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Бухоро шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 5-уй, 18-хонасида соат 10.00 да.

(«Халқ сўзи»нинг навбатдаги сони 6 апрель, чоршанба куни чиқади).

Тошкент шаҳар С. Раҳимов тумани «Мирзо Мусаффар» хусусий фирмаси ОКПО 17434783 тугатилади.

Даъволар матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой давомида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳар С. Раҳимов тумани Қ/Қамиш савдо комплекси. тел: 398-79-91

Товар сертификатланган

"ТЕХСЕЛЬСНАБ" МЧЖ

Тошкентдаги омборхонадан Россия Федерацияси заводларида ишлаб чиқарилган енгил ва юк автомобиллари ҳамда қишлоқ хўжалик техникалари шиналарини таклиф қилади.

Пул ўтказиш йўли билан ғалла ва пахтанинг 23210, 23220 траншларини ҳам қабул қилади.

Тошкент ш., Чилонзор-2, Гагарин кўч., 26-уй.
Тел.: 77 1210, 77 1451, 79 9468, 103 7234, 158 8575.

АЗ

Эзгу сафар

Қизилравот Қирғизистон билан чегарадош қишлоқ. Бу жойда икки халқ вакиллари — ўзбеклару қирғизлар аҳил бўлиб яшашади. Урф-одат ва анъаналари уйғунлашиб кетган. Уйчи туманидаги мазкур қишлоқда ташкил этилган галдаги Наврўз тантаналари пойтахтдан келган меҳмонлар — БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Фекрет Акчура, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотининг Тошкентдаги маркази раҳбари Мирослав Енча ташрифи билан ўзгача мазмун кашф этди. Чунки, улар Фарғона водийси вилоятлари бўйлаб режалаштирилган сафарни айнан Қизилравотдан бошладилар. Оқсоқоллар мўътабар меҳмонларга ўзбегу қирғиз дўстлигини мустаҳкамлаётган омиллар ҳақида гапириб беришди. Табиийки, кўшни давлатдаги бугунги вазият хусусидаги фикрлар ҳам ҳеч кимни бефарқ қолдирмади.

— Наманганда йигирма минг нафардан ортиқ қирғиз миллатига мансуб фуқаролар истиқомат қилишади, — дейди вилоят қирғиз миллий маданий маркази раҳбари Маҳпиратхон Истамқулова. — Улар киндик қонларини тўкилган муқаддас ўзбек заминини ўзларининг Ватанлари деб билишади. Қирғизистонда кечаётган сиёсий вазиятга келсак, миллатдошларим у ердаги воқеалар хайрли якун топишига умид билдирмоқдалар.

Ф. Акчура ва М. Енча Наманган вилоятининг бошқа шаҳар ва қишлоқлари билан ҳам яқиндан танишдилар.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Товар сертификатланган

ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН!

Ўзбекистонда биринчи бўлиб "ALCOPON" Алюминий-композит панеллар ишлаб чиқарувчи "AND-POLIC" Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси Тошкент ва Андижондаги омборларидан мавжуд бўлган қуйидаги маҳсулотларни таклиф этади:

"ALCOPON" алюминий-композит панеллар

Ранги рақами	Ранг	Панелнинг қалинлиги	Алюминий фольга қалинлиги
Бинонинг олд қисмини безатиш учун			
AP-LB 1001	Кумуш	4 мм	0.4 мм
AP-LB 1003	Қора	4 мм	0.4 мм
AP-LB 1005	Шампан заррачалари	4 мм	0.4 мм
AP-LB 3003	Оқ	4 мм	0.4 мм
AP-LB 3005	Тилла	4 мм	0.4 мм
AP-LB 4002	Кўк	4 мм	0.4 мм
AP-LB 5001	Сут ранги	4 мм	0.4 мм
Декоратив (гранит ва мармарга мос тусдаги панеллар)			
AP-LB 7001	Тўқ-қизил	4 мм	0.4 мм
AP-LB 7002	Тўқ-зангор	4 мм	0.4 мм
AP-LB 7003	Оч-қизил	4 мм	0.4 мм
Бинонинг олд қисмини безатиш учун			
AP-LB 1003	Қора	3 мм	0.21 мм
AP-LB 3005	Тилла	3 мм	0.21 мм
Декоратив (гранит ва мармарга мос тусдаги панеллар)			
AP-LB 8001	Зангор	3 мм	0.21 мм
AP-LB 3002	Қизил	3 мм	0.21 мм
AP-LB 8003	Сут ранги	3 мм	0.21 мм

Панелларнинг узунлиги харидор хоҳиши бўйича ўзгартирилиши мумкин.
Панелларнинг стандарт ўлчамлари: 1220 x 2440 мм.

Ваколатхона:
Ўзбекистон, Тошкент ш, Муртазоев кўч, 6/89
Тел.: +(99871) 1348216, факс +(99871)1348357
E-mail: andpolic@rol.uz

Завод:
Ўзбекистон, Андижон ш, Пирмухамедов кўч, 96

ШАҲРИМИЗ ЗАМОНАВИЙ ВА ЯНАДА КЎРКАМ БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти жамоаси таниқли адабиётшунос олим, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти лауреати, академик, филология фанлари доктори, профессор

Салоҳиддин МАМАЖОНОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Ўзбектуризм» миллий компанияси жамоаси умумий бўлим бошлиғи Зуҳра Астановага отаси

Имамкул АСТАНОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзбекэнерго» жамоаси марказий бухгалтерияси бош бухгалтери Елизавета Добрининага онаси

Мария СКРЕБКОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Республика юристлар малакасини ошириш маркази жамоаси Марказ бўлим бошлиғи Маҳмуджон Ходжаевга волидаи муҳтарамаси

ХАЙРИНИСО аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 361. 28631 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Эшматов.
Навбатчи — Ҳ. Каримов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.20 23456